ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ВЕНЧУРЛИ ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ МОДЕЛЛАРИ

Атамурадов Шерзод Акрамович,
Навоий давлат кончилик институти мустақил тадқиқотчиси
E-mail: sher_zod@inbox.ru

Аннотация: *Ушбу мақолада турли мамлакатларда Венчурли инновацон лойиҳалаштиришнинг механизмлари ва моделларини таҳлил қилинган. Инновацион венчур лойиҳалаш иқтисодиётнинг янги ва тезкор ривожланаётган йўналиши бўлиб, у инновацияларни жорий этиш ҳамда тижоратлаштириш механизмларини бирлаштирган. Мазкур ишда турли мамлакатлардаги Венчурли инновацион лойиҳалаштиришнинг механизмлари ва моделлари, венчур капиталини амалга ошириш ҳамда инновацияларни жорий қилиш механизмлари батафсил кўриб чиқилган.*

Аннотация: *Статья посвящена анализу механизмов и моделей венчурного инновационного проектирования в различных странах. Венчурное инновационное проектирование является новым, динамично развивающимся направлением в экономике, которое интегрирует в себе механизмы внедрения и коммерциализации инноваций. В работе подробно рассмотрены модели венчурного инновационного проектирования в разных странах, механизмы реализации венчурного капитала и внедрения инноваций.*

Abstract: *The paper is devoted to the analysis of mechanisms and models of venturing innovative designing in the various countries. venturing innovative designing is a new dynamically developing direction in economy which integrates in itself mechanisms of introduction and commercing innovations. In work models venturing innovative designing in the different countries, mechanisms of realization venturing the capital and introduction of innovations are in detail considered.*

Калит сўзлар: венчур, инновация, инвестиция, лицензия, қимматли қоғозлар, фонд бозори, институционал молиялаштириш, стратегия, бозор ликвидлиги, инновация хизматлари, технологиялар трансферти.

Кириш

Мамлакатимиз иқтисодиётини янада тараққий эттиришда, юртимизнинг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин эгаллашида ва жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамлашда инновациялар муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Зеро, инновация – бу келажак дегани. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари томонидан илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, венчур бизнесини мамлакатимизга жорий қилиш, бунинг учун зарур молиявий ресурсларни сафарбар этиш, инновацион ғояларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифаси қўйилган.

Венчур бизнесини лойиҳалаштириш ва молиялаштиришда мамлакатимизда ҳали тажриба шаклланган йўқ ва бунинг учун албатта иқтисодиёти ривожланган мамкалатлар тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сонли қарорининг қабул қилинганлиги, Республикани инновацион

ва илмий-техник ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи орган ташкил этилганлиги, унинг ҳузурида Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси шакллантирилганлиги мазкур йўналишдаги муҳим босқичлардан бири бўлди. Юқорида келтирилган қарорда инновация фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш механизмларини тубдан такомиллаштириш, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни янада самарали жорий этиш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Шу билан бирга, илмий тадқиқотлар билан ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг самарали механизмларини йўлга қўйишга, алоқаларни мустаҳкамлашга тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммолар сақланиб қолаётганлиги таъкидланмоқда [2].

Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармонида ҳам мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини тартибга солишда давлат иштирокини камайтириш, давлат бошқаруви тизимини марказлаштиришдан чиқариш ва демократлаштириш, давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш, нодавлат, жамоат ташкилотлари ва жойлардаги ўз-ўзини бошқариш органларининг ролини ошириш борасида алоҳида тўхталиб, бу йўналишда бир қанча вазифалар белгилаб берилган [1]. Бу мақсад ва вазифаларни амалга оширилишида, яъни инновацион соҳадаги кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини, шунингдек янги ғоялар, ишланмалар ва стартапларни хусусий ва бошқа нодавлат сектор ҳисобидан молиялаштиришда венчурли инновацион молиялаштириш самарали ҳисобланади.

Мамлакатимиз иқтисодиёти учун янгилик бўлган “Венчурли инновацион молиялаштириш” – бу янги маҳсулот ёки хизматни бозорга чиқариш ва юқори фойда олиш мақсадида инновацион технологияга эга бўлган, янги яратилаётган корхонага юқори таваккалчилик остида инвестиция киритишдир. Инвестициялаш венчур механизми ёрдамида амалга оширилиб, инвестицияларнинг молиявий таъминланиши эса лойиҳанинг бўлажак манбалари ҳисобидан қопланади. (лойиҳавий инвестициялаш).

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Инновацион фаолиятни ташкил этиш ҳамда молиялаштириш, инновацион бошқарув усулларини такомиллаштириш масалалари мамлакатимиз, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ва хорижий давлатлар иқтисодчи олимлари томонидан назарий ҳамда илмий нуқтаи назаридан ўрганиб чиқилмоқда.

Хусусий бизнесни молиялаштиришнинг муқобил манбаси сифатидаги венчур капитали АҚШда XX асрнинг 50 йилларида замонавий информатика ва телекоммуникациянинг бешиги бўлган Силикон водийси (Калифорния штати)да вужудга келган. Ушбу бизнеснинг асосчилари Том Перкинс [16], Юджин Клейнер, Франк Кофилд, Брук Байерс ва бошқалар молиялаштиришни ташкиллаштиришнинг янги асос солувчи ғояларини ишлаб чиқишган.

1990-йилларда Буюк Британия иқтисодиётида меҳнат бозоридаги эгилувчан иш билан бандлик ҳолатига корхоналарда инсон ресурсларини бошқаришга йўналтирилган инвестициялар билан инновациялар ўртасидаги боғлиқлиқ Ж.Микий

ва М.Шийханнинг ишларида таҳлил этилган ҳамда инновацион иқтисодиёт шароитида корхоналарни инвестиция маблағлари билан таъминлашнинг ўзига хос тажрибалари устида иш олиб борилган [17].

Инвестиция фондлари турли иқтисодий луғатларда изоҳланиб келинмоқда, Жумладан Джерри М. Розенбергнинг терминологик луғатларида инвестиция фондининг бир кўриниши “ўзаро фонд” ёки “ўзаро инвестиция фонди” тўғрисида изоҳлар келтирилиб, бунда ўз акцияларини соф активларни жорий қиймати бўйича чиқаришга тайёр бўлган инвестиция компаниясининг, акция қиймати жорий даврда фонддаги қимматли қоғозлар портфелини бозор қийматига боғлиқ ҳолда инвесторларга янгидан-янги акцияларни тавсия этади” дейилган [18].

Мамлакатимиз иқтисодиётида инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш, тартибга солишнинг илмий-амалий масалалари бўйича С.С. Ғуломов, М.Қ. Пардаев, О.Ю.Рашидов, Б.Б.Беркинов, Б.Ғойибназаров, Д.Ғ.Ғозибеков ва бошқалар чуқур изланишлар олиб борганлар.

Ушбу соҳа бўйича тўпланган тажриба ва амалиёт шуни кўрсатадики, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида инновацион фаолиятни янада ривожлантириш йўлида бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, улар ичида айниқса, инновация фаолиятини молиялаштириш схемасининг якуний тизими йўқлиги; айниқса, инновацияларни яратувчи субъектларга ва инновациялардан фойдаланувчиларга тегишли имтиёзлар берувчи ва рағбатлантирувчи механизмлар кўзда тутилмаганлиги бу борада зудлик билан ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалардан бири ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси

Мазкур мақолада асосан иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг иннновацион соҳани молиялаштириш бўйича тажрибаларини ўрганиш ва таққослаш, хорижий ва маҳаллий олимларнинг докторлик, номзодлик диссертациялари, илмий монографиялари, ўқув қўлланмалари ва мақолаларини таҳлил қилиш, гуруҳлаш, анализ, синтез ва дедукция каби услублардан фойдаланилди.

Жумладан, АҚШда 1946 йилда биринчи оммавий савдо қилувчи, портфель инвестициялашга ихтисослашган компания (ARD)нинг тузилиши ва ҳозирги кунга қадар фаолиятининг ривожланиш жараёнлари анализ қилинган бўлса, дедукция услуби орқали АҚШ венчур тизимининг хусусий функционал жиҳатлари таҳлил қилиниб Осиё ва Европа мамлакатлари венчур тизими билан солиштирилди.

Шунингдек, Европа, Финляндия, Исроил, Япония, Тайвань, Жанубий Корея мамлакатларида венчур бизнесини лойиҳалаштириш инфратузилмаси дедукция услуби орқали таҳлил қилинди, яъни умумий тизимни ташкил этувчи қисмлар алоҳида бўлакларга бўлиниб уларнинг схемаси шакллантирилди. Натижада ҳар бир мамлакат венчур муҳитини ташкил этувчи тизимнинг ривожланишига таъсир этувчи омилларни синтез қилиш имконияти пайдо бўлди ва ривожланган мамлакатларнинг венчур молиялаштиришдаги муваффақиятли усулларни миллий иқтисодиётимизда қўллаш учун таклифлар ишлаб чиқишга асос бўлди.

Таҳлил ва натижалар

Венчурли инновацион лойиҳалаштириш нисбатан яқинда шаклланган (1950 йиллар охири – 1960 йиллар бошлари) ва 1980-1990 йилларда кучли ривожлана бошлаган. У инвестицияни юқори даромад келтирадиган соҳага киритиш ва

инновацияларни жорий қилишнинг самарали механизми учун маблағ манбаи сифатида етарлича эътиборни ўзига тортади. Турли минтақа ва давлатларда инновацион венчурли инвестициялашнинг ривожланиши, ушбу мамлакатларнинг ўсиш суръатининг ортишига олиб келди. Қуйида инновацион венчур бизнесини жорий қилиш орқали иқтисодиёти янада ўсиб бораётган бир қанча давлатлар тажрибаларини келтириб ўтамиз.

АҚШ. Америкада венчур инвестициялаш Иккинчи жаҳон урушидан кейин, бошқа давлатлардан 30 йилча аввал вужудга келган. АҚШда венчур инвестициялашнинг ривожланиш босқичлари 1946 йилда биринчи оммавий савдо қилувчи, портфель инвестициялашга ихтисослашган компания (Америка Тадқиқот ва Ривожланиш – ARD)нинг тузилишидан бошланди десак ҳам бўлади.

1958 йилда Конгресс, янги компаниялар учун активларнинг етишмовчилигини кўрсатган Федерал захира банкининг 1957 йилдаги тадқиқотига жавобан, янги компанияларни венчур сармоя билан таъминлаш мақсадида Кичик бизнес бошқармаси (SBA) томонидан лицензияланган хусусий корпорациялар (SBIC), Кичик бизнесни инвестициялаш Компаниясини яратиш тўғрисида фармон чиқарган. SBIC SBA кафолати остида ўзининг хусусий капиталини таъсир ўтказувчи восита сифатида фойдаланиши мумкин эди. Шу тарзда, SBA кафолати орқали фойдаланиш мумкин бўлган қўшимча фондлар хусусий инвестицияларнинг ҳажмларидан 2-3 баравар ошиб кетган.

1992 йилда Конгресс “Кичик бизнес активларини ошириш тўғрисидаги Акт”ни имзолаш орқали SBICларнинг дастури тузилишини ўзгартирди ва 1994 йилдан кучга киритди. Дастурдаги кўплаб тузилмали муаммоларни тузатишга қўшимча равишда Акт SBIC ларга ўсиш ҳисобига харажатларни қоплаш учун SBIC етарли бўлган фойда ва даромадни олмаганга қадар, қарз ричаглари ҳисобига тўпланиб қолган харажатларнинг тўланишини кейинга қолдиришга имкон беради. Натижада янги SBIC ларни лицензиялаш анча ошди. 1994 ва 1998 йиллар оралиғида бошланғич капитали 1,8 млрд. АҚШ долларни ташкил қилган 138 та янги SBIC лар лицензия олишган. [7]

Америка Қўшма Штатлари кўп жиҳатдан менеджерларга акцияларнинг бир қисмини шахсий мулк сифатида ўтказиш ҳисобига компанияларда жавобгарлик масъулиятини ўз зиммасига олишга имкон берувчи кучли тадбиркорлик маданияти туфайли венчур капиталининг энг муваффақиятли саноатига эга. Бундан ташқари, кўпгина Европа ва Осиё мамлакатларидан фарқли равишда, АҚШ яхши ривожланган ва ликвидли қимматли қоғозлар бозорига эга бўлиб, бу венчур капитали саноати учун жуда муҳим ҳисобланади, чунки таваккалчи инвесторлар ва хусусий тадбиркорлар фойда олиш механизмига эга бўлишлари лозим [8].

Қуйидаги жиҳатлар АҚШ инновацион венчур бизнесини бошқа давлатлардан кўра устунликларини намоён этади:

- венчур бизнеси институционал молиялаштиришга тайёрлиги;
- компанияларга ишчиларни европа ва осиёлик компанияларга қараганда осонроқ ишга қабул қилиш ва бўшатишга имкон берувчи нисбатан мослашувчан меҳнат бозори;
- муваффақиятсизликка учраган тадбиркорларга бошқа компанияларни ташкил этишга рухсат берувчи банкротлик тўғрисидаги қонунчилиги;



1-чизма. Венчурли инновацион лойиҳалаштиришнинг Америка модели

Манба: “Проблемы современной экономики” журналининг http://m-economy.ru расмий сайти маълумотлари асосида тайёрланди

- асосан тадбиркорларга уларнинг европалик ва осиёлик ҳамкасбларига нисбатан фойдадан юқорироқ фоизни сақлаб қолишга имкон берувчи солиқ тизими;
- интеллектуал мулк ҳуқуқининг кучли ҳимояга олинганлиги;
- инвестицияни тадбиркорнинг келиб чиқишидан қатъи назар унинг яхши ғояларига ва ишбилармонлик маданиятининг сифатига йўналтирувчи энг яхши халқаро ишбилармонлик мактаблари.

Америкалик тадбиркорлар, шунингдек университетлар, ҳукумат лабораториялари ва хусусий компаниялар ўртасидаги нисбатан яқин алоқалар ҳисобига ҳам устунликка эгалар.

Венчурли инновацон лойиҳалаштиришнинг Америка модели қуйидагича схемага эга (1-чизма)

ЕВРОПА. Венчур сармояси Европада 1980 йиллар охирида инновацияларни жорий қилишда муҳим манба ҳисобланмаган.

Европада АҚШ даги каби венчур фондлари ва тўғридан-тўғри инвестициялар фондига ажратиш мавжуд эмас. Шу тарзда, бугунги кунга келиб, европа венчур бизнеси ҳаттоки америка венчур бизнесига қараганда кичик ва ўрта корхоналарни, айниқса уларнинг кенгайиш босқичида ривожлантириш ва ҳақиқий қўллаб-қувватлашга кўпроқ йўналтирилган.

Европа венчур бизнесининг инфраструктура ривожланиши асосий босқичлари кўп жиҳатдан америка тажрибасини такрорлайди. 1983 йилда тўғридан-тўғри инвестициялаш ва Европа венчур капитали уюшмаси (EVCA)га асос солиниши венчур саноати вакиллари ва Европа комиссиясининг ўзаро биргаликдаги ташаббуси натижасида амалга ошди. Тузилган вақтда ўз таркибига 43 нафар аъзони олган уюшма бугунги кунга келиб 30 дан ортиқ давлатларнинг венчур бизнесининг 500 дан ортиқ фаол иштирокчиларини ўз ичига олган ва европа бевосита инвестициялари соҳасининг обрўли вакили ҳисобланади. Уюшма фаолияти Европада венчур бизнесини ривожлантириш учун қулай шароитларни яратишга қаратилган. Уюшманинг эътибори қаратилган ва ҳал қилиниши зарур бўлган асосий стратегик вазифалар бўлиб венчур инвестициялашга институционал инвесторларни жалб қилиш, европа тузилмаларидаги ўз аъзолари ва венчур саноатининг бошқа иштирокчилари манфаатларини ҳимоя қилиш, венчур сармоясининг чиқиш механизмлари ва самарали ва осон стратегияларини ишлаб чиқиш кабилар ҳисобланади. Европа венчур капитали уюшмаси иштирокида Европада инновациялар ва иқтисодий ривожланишни қўллаб-қувватлаш механизмларини шакллантириш учун венчур капиталистлари, биржа дилерлари, инвестиция банклари ва бошқа инвестиция институтларининг бирлашмаси - Европа биржа дилерлари уюшмаси (EASD) тузилган. EASD нинг биринчи ташаббусларидан бири тез ўсаётган ёш компаниялар учун европа фонд биржаси – Европа биржа дилерлари уюшмасининг автоматик котировкаси (нархланиши) тизимининг яратилиши бўлди. Унинг тузилиши ва фаолият қоидалари ҳудди шунга ўхшаш америка тузилмаси – NASDAQдан ўзлаштирилган.

Венчур бизнеси саноатига сармоя оқимини таъминловчи миллий инвесторлар тоифалари амалда қарийб америка тузилмасини такрорлайди. Асосий инвесторлар бўлиб пенсия фондлари, банклар, суғурта компаниялари, йирик саноат корпорациялари ҳисобланади. Инвестицияларнинг умумий ҳажмида хусусий инвесторлар (“бизнес-фаришталар”)нинг иштирок этиш улушлари 2% дан камроқни ташкил этади.

Европа венчур фондлари кўпроқ диферсификацияланган ва инвестицияларни иқтисодиётнинг қарийб барча соҳаларига жойлаштиради.

Кўпгина Европа мамлакатларида венчур инвестициялар ва венчур олиб қўйишлар ўртасида номувозанатлик кузатилмоқдаки, буни бундай турдаги инвестицияларнинг катта миқдорига қарамасдан ушбу инвестициялар учун чиқиш механизмларининг етарли эмаслигини кўрсатмоқда:

- Биринчидан, Америка Қўшма Штатлари ва Япониядан фарқли равишда, кичик компаниялар учун Европа бозорлари бирламчи бозорлар каби худди шундай бошқарув остида бўлишган. Умуман олганда, Европа бозорларининг бошқарувчилари иккиламчига қараганда кўпроқ бирламчи бозорларни қўллаб-қувватлашдан манфаатдор.
- Иккинчидан, Европа компаниялари (кўпгина йирик компаниялар, масалан, Cisco, Dell, Intel и Microsoft кабилар листингни NASDAQ да сақлаб қолган Қўшма Штатлардан фарқли равишда) листингларни бирламчи бозорларга имкони борича тезроқ ўтказишга ҳаракат қилишади.
- Учинчидан, Европа институтционал инвесторлар америкалик инвесторлардан фарқли равишда, майда компанияларнинг бозор ликвидлигини пасайтирувчи кичик капитализацияли активларга сармоя киритишга камроқ мойил бўлишади. Айрим европа венчур компаниялари NASDAQ листингларига киритилганига қарамасдан, бундай халқаро таклифлар европа кичик компанияларининг кичик фоизини ташкил қилади. (2-чизма)



2-чизма. Венчурли инновацион лойиҳалаштиришнинг Европа модели

Манба: “Проблемы современной экономики” журналининг http://m-economy.ru расмий сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

Ушбу барча сабабларга кўра Европадаги венчур сармояли компания кўплаб инвесторлар томонидан биржада сотиб олингандан кўра, бошқа компания томонидан сотиб олиниш эҳтимоли кўпроқ (Қўшма Штатлари ва Японияда чиқишнинг машҳур механизми) [10].

ФИНЛЯНДИЯ. 1980 йилларда Финляндия иқтисодий инқирозни бошидан кечирган. Мазкур даврда давлат саноатнинг янги тармоқларини яратиш, фаолияти ишлаб чиқаришнинг юқори технологияли соҳаларига қаратилган инновацияли фирмаларни фаол қўллаб-қувватлашга алоҳида урғу берди.

Ушбу мақсаднинг амалга оширилиши кичик инновацияли фирмаларни яратиш ва қўллаб-қувватлаш инфраструктурасининг вужудга келишига олиб келди. Технологик марказлар мазкур инфраструктуранинг элементлари бўлиб, улардан бири Тампередаги “Хермиа” технологик марказ ҳисобланади.

Марказ ўз ишида биринчи навбатда тадбиркорлик ғояларини танлаб олишни амалга оширади. Фаолиятнинг ушбу босқичида бозорнинг эҳтиёжи ва сиғими, технологияларнинг хусусияти, янгилиги ва рақобатбардошлиги, шунингдек мавжуд ресурслар (молиявий, моддий, инсон ресурслари) баҳоланади.

Агар тадбиркорлик ғояси ўрганиш (скрининг) давомида истиқболли деб баҳоланган бўлса, уни ривожлантириш жараёни бошланади.

Ғояни ривожлантиришнинг биринчи даврида унинг муаллифига “инновация хизматлари” кўрсатилиб, унинг мақсади ё янги компанияни тузиш, ё аввал мавжуд бўлган компанияга қўшиш (қўшма корхона), ёхуд лицензияли битим тузиш ҳисобланади. Ушбу босқич якунланганидан сўнг лойиҳани амалга ошириш усули тўғрисида қарорни қабул қилиш вақти бошланади. Мазкур қарорни ғоянинг эгаси қабул қилади ва қуйидаги омиллар ҳисобга олинади.

- инновация хизматлари ғояни баҳолаш,
- патент билан боғлиқ тадқиқотлар;
- ғояни ривожлантириш, потенциал инвесторлар билан алоқа ўрнатиш;
- зарур молиявий харажатларни баҳолаган ҳолда бизнес-режа ишлаб чиқиш;
- янги компанияни ташкил этишга тайёрлаш (тавсияларни ишлаб чиқиш);
- таълим ва малака ошириш дастурлари (янги иш бошлаётган тадбиркорни ўқитиш). [4]

Тадбиркорлик ғоясининг кейинги тақдири бўйича қарор қабул қилинганидан сўнг жараённинг иккинчи босқичи – бизнесни ривожлантириш бошланади. Ушбу босқич инкубация даври хисобланади ва бу даврда янги компанияни оёққа турғазиш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

- тадбиркорлар учун тренинглар ташкил этиш;
- маслаҳат хизматларини йўлга қўйиш;
- молиявий тавсиялар ишлаб чиқиш,
- молиялаштириш манбалари бўйича муқобил вариантлар қидириш;
- хўжалик алоқаларини ўрнатишда кўмаклашиш;
- ташқи инвесторларга тақдим этиш учун лойиҳаларни ишлаб чиқиш.

Инкубация даври компания ўз фаолиятини молиялаштиришга қодир бўлганга (“зарарсизлик нуқтасига”) қадар давом этади.

“Хермиа” технологик маркази марказнинг таъсисчиларидан бири бўлган (иккинчи таъсисчи – Тампере шаҳри) Тампере технологик университети (ТТУ) билан яқин алоқада иш олиб боради.

Янги инновацион корхоналарни яратиш ишидан ташқари университет “Хермиа” технологик маркази билан ҳамкорликда технологиялар трансферти стратегиясини ишлаб чиқади ва уни амалга ошириш бўйича хизматларни кўрсатади. Инновация ва тадқиқотчилик соҳасидаги университет хизматлари қуйидаги йўналишлар бўйича кўрсатилади:

- ЕИ тадқиқотчилик дастурлари бўйича маслаҳат хизматлари;
- Тадқиқотларни бажариш учун битимларни тузиш (саноат компанияларининг буюртмалари бўйича);
- Трансфер технологиялари;
- Кичик ва ўрта корхоналар учун тадқиқотлар. (3-чизма)

Шунингдек Финляндияда SITRA гибрид дастури ишлайди. Унинг доирасида инновацияли фирмаларни бевосита молиялаштириш ва технологик корхоналарни қўллаб-қувватлашнинг ҳудудий фондларига маблағларни киритиш биргаликда олиб борилади. SITRA компанияларни грант қоидаси бўйича эмас, балки оддий венчур усули ёрдамида молиялаштиради – 15% дан 40% гача акциялар улуши ва 200 мингдан 2 млн. еврогача маблағ ўрнига. SITRA парламент шафелиги остида мустақил давлат фонди мавқеига эга ва ҳукумат агентлиги эмас, балки айнан фонд сифатида бошқарилади.



3-чизма. Венчурли инновацион лойиҳалаштиришнинг Финляндия схемаси

Манба: “Проблемы современной экономики” журналининг http://m-economy.ru расмий сайти маълумотлари асосида тайёрланди

ИСРОИЛ. Венчурли инвестициялашнинг ривожланиши 1992 йилда YOZMA дастуридан бошланган. Дастур Исроил саноат ва савдо вазирлиги қошидаги Бош илмий бошқарма (БИБ) томонидан яратилган эди. YOZMA ни оператив бошқариш учун давлат вакилларидан иборат бўлган директорлар кенгашига бўйсинган, технологик саноат соҳасида тажрибага эга маҳоратли венчур молиячилар тайинланган бўлиб, улар устав асосида иш олиб бориш ваколатига эга бўлишган.

Дастур жамғармаси, ҳар бири 20 млн. АҚШ доллари сармояга эга бўлган бошқа ўнта венчур фондларининг капитализацияси учун ишлатилган. Ушбу фондларга иш тажрибаси ва обрўга эга бўлган битта исроиллик ҳамкор ва битта америкалик ёки европалик ҳамкор бўлиш талаби қўйилган эди. Бунинг ўрнига жамғарма YOZMA фондларида 8 млн. АҚШ доллари олар (қолган 12 млн. шериклар биргаликда киритиши зарур эди) ва жамғарма касодга учраган тақдирда маблағларни қайтариш мажбурияти юкланмаган эди. Муваффақият қозонган тақдирда, шериклар худди ўша пуллар эвазига давлат улушини ва қўшимча равишда рамзий фоиз ставкаси (ушбу улуш фойдасидан 7 %)ни шундай тарзда сотиб олиши мумкин эдики, бунда 90 % дан ортиқ фойда дастурнинг хусусий иштирокчиларига тегарди. (4-чизма)

Исроилнинг давлат маблағларидан вақтинчалик фойдаланилиши шунга олиб келдики, фақатгина бевосита каталитик самара қарийб 5 млрд. АҚШ доллар инвестицияларни (ҳукумат томонидан вақтинчалик жалб қилинган маблағдан эллик баравар кўп) ва билвосита 1993-2000 йиллар давомида 7 млрд. АҚШ долларигача бўлган инвестициялар жалб қилинди. Мамлакатда технологик компанияларнинг сони тўрт мингдан ошиб кетди. Шу тарзда Исроил жаҳон технологик бизнесига муввафақиятли кириб борди.



4-чизма. Венчурли инновацион лойиҳалаштиришнинг Исроил схемаси

Манба: “Проблемы современной экономики” журналининг http://m-economy.ru расмий сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

Шунингдек, YOZMA фаолияти янги саноатни тез яратиш ва унга ривожланиш имконини беришга йўналтирилган эди. Шунинг учун исроилликлар америка ва европа венчур фондларини амалдорлар билан эмас, бевосита маҳаллий

бизнесменлар билан тўғридан-тўғри ҳамкорлик қилишига шароит яратишди. Аслини олганда, Исроил ҳукумати шунчаки венчур фондларининг Исроилда узоқ муддат фаолият юритиши учун пул тўлаган. (4-чизма)

ЯПОНИЯ Осиёлик венчур инвесторлар ўзларининг америкалик ҳамкасбларига нисбатан сармояни етук компанияларга киритишга кўпроқ мойилдирлар.

Японияда венчур сармояларнинг энг йирик манбалари тўпланган: корпорациялар (46%), банклар (30%) ва суғурта компаниялари (10%).

Кўпгина япон венчур фондлари – катта корпорацияларнинг филиаллари ҳисобланади. Масалан, 1996 йилда Toyota Motor Corporation ўз компаниясини ички ва ташқи молиялаштириш учун Япониянинг энг йирик венчур фондларидан бири бўлган жамғармани ташкил қилди (қарийб 400 миллион АҚШ доллари).



5-чизма. Япония венчурли инновацион лойиҳалаштириш чизмаси

Манба: “Проблемы современной экономики” журналининг http://m-economy.ru расмий сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

Япония Осиёдаги венчур капиталининг энг катта бозорига эга, аммо кўплаб сабабларга кўра Японияда венчур сармояси саноати АҚШ даражасидаги каби ривожланмади. Бунга қуйидаги сабабларни келтириб ўтишимиз мумкин:

- Биринчидан, Япония Молия вазирлиги узоқ вақт молиявий бозорларни қаттиқ бошқарилишини қўллаб-қувватлаб, бу япониялик тадбиркорларнинг венчур капиталини олишини чеклар ва япон пенсия жамғармаларига венчур компанияларга инвестиция қилишга имкон бермас эди;

- Иккинчидан, япон банклари янги бизнесларга қарз беришдан бош тортишган, бу қисман, қарз бераётган банк, асосан ерга бўлган мулк ҳуқуқини мулк гарови сифатида олиши ва фақат айрим тадбиркорларгина Япониядаги қиммат кўчмас мулкни бериш имониятига эгалиги билан изоҳланади;

- Учинчидан, япон тадбиркорлари даромаднинг 50 % ни ташкил қилган катта солиқ юкини кўтаришади;

- Тўртинчидан, Япония маданияти венчур капитали томонидан қўллаб-қувватланадиган тадбиркорлик секторининг ривожланишига тўсқинлик қиларди. Япония ҳукуматининг саъй-ҳаракатларига қарамасдан, яқинда Японияда венчур капиталининг фаоллиги сусайди. Япониядаги инқироз ва молиявий тизимнинг нобарқарорлиги венчур капитали асосида ташкил қилинган кўплаб корхоналарнинг касодга учрашига олиб келди [6].

Япониянинг Венчурли инновацон лойиҳалаштириш модели 5-чизмада акс эттирилган

ТАЙВАНЬ. Тайванда 1970 йиллар ўрталарида, ушбу давлатнинг эътиборини асосий технология бозорларига қаратиш учун миллий лаборатория – Саноат технологияларини ўрганиш институти (ITRI)га асос солинган. Тайвань ҳукумати кўплаб ёш компаниялар учун менеджерларга маблағлар ажратиб, уларни ишга ёлларди. Масалан, 1986 йилда ITRI ҳозирда дунёда ярим ўтказгичларнинг энг йирик ишлаб чиқарувчиси бўлган “Taiwan Semiconductor Manufacturing Corporation”ни яратиш учун тахминан 50% бошланғич сармояни киритган ва TexasInstruments фахрийси Моррис Чангни ишга олган. Америка Қўшма Штатларида ўқиб маълумот олган ва АҚШ компанияларида ишлаб тажриба орттирган Тайвань фуқароларининг жуда катта қисми Тайвань технология компанияларини бошқариш учун ўз ватанларига қайтиб келишган.

Тайвань ҳукумати бошланғич сармояни таъминлаши, ёш компанияларга имтиёзли ставкалар бўйича “land-lease” таклиф қилиши ва кенг солиқ кредитларини беришига қарамасдан, бу кўплаб осиёлик компаниялардан фарқли равишда, фақат эндигина асос солинган компаниялар учун асосий ёрдам эмас эди. Ҳақиқатда, Тайвань муваффақиятининг асосий калити – бу норақобатбардош компаниялар бозор кучларидан ажратиб олинмаганлигида эди. Япониядан фарқли равишда, Тайванда банкротликнинг эълон қилиниши дарҳол бошқа янги компанияни тузиш учун тўсиқ бўла олмайди.

Тайвань ҳукуматининг ёрдамига қўшимча ҳолда энг йирик тайванлик компаниялар кўп йиллар мобайнида Тайвань корхоналарининг бошланғич молиялаштирилишини таъминлашмоқда. Жаҳонда учинчи ўринда турувчи шахсий компьютерлар ишлаб чиқарувчиси Acer компанияси 2010 йилга бориб дастурий таъминот соҳасидаги 100 та Тайвань компанияларини молиялаштирилишини таъминлашини эълон қилган. Сони тобора кўпайиб бораётган Тайвань венчур фирмалари (100 та фирма), қисман Тайвань компаниялар томонидан тижоратлаштирилиши мумкин бўлган юқори аниқликдаги технологияларни қўлга киритиш истиқболи туфайли Кремний водийсида ўз филиалларини ташкил қилишмоқда. Тайваннинг энг катта венчур фирмаларидан бири – Crimson Asia Capital Holdings 1997 йилда 400 млн. АҚШ доллари миқдоридаги инвестицияларни қабул қилган.

Кўп жиҳатдан, 22 миллион аҳолига эга бўлган Тайваннинг кучли тадбиркорлик салоҳияти сабабли, Япония ва Жанубий Корея иқтисодиётлари улкан конгломератлар томонидан бошқарилаётган бир вақтда, у кичик ва ўрта технологик компанияларнинг Осиёдаги энг катта улушига эга. Тайванлик ишчилар ўз ишини эндигина бошлаётган фирмага, ушбу фирма акциялари кейинчалик фонд биржасида муваффақиятли жойлаштирилиши ва шу орқали бойиб кетиши илинжида, акцияларига эгалик қилиш мақсадида кам маош тўланадиган ишларга ҳам киришга тайёр бўлишади. 1997 йилдан бошлаб активлари Тайваннинг биржадан ташқари бозорида жойлаштирилган 82 та компаниядан 32 таси технологик компаниялар эди. [10] (6-чизма)



6-чизма. Венчурли инновацион лойиҳалаштиришнинг Тайвань схемаси

Манба: “Проблемы современной экономики” журналининг http://m-economy.ru расмий сайти маълумотлари асосида тайёрланди

ЖАНУБИЙ КОРЕЯ. Тайвандан фарқли равишда Жанубий Корея ҳукумати узоқ муддат давомида божхона сиёсатида импорт ва экспортга юқори тўсиқлар қўйиб, рақобатга чидамсиз компанияларни бозор кучларидан ҳимоялашга ҳаракат қилган. Маҳаллий компаниялар ҳукумат томонидан кўплаб қарзлар ва давлатнинг бухгалтерлик ҳисобини бошқаришдан воз кечганлиги ҳисобига устунликка эгалар. Катта нуфузга эга бўлган «chaboel» конгломератларнинг мавжудлиги мамлакатнинг бозор ўзгаришлари томон ҳаракатини чекламоқда. Бироқ, Жанубий Корея ҳукумати хорижий венчур капиталининг юқори технологияли янги компанияларни яратишдаги ролини тан олди. Шунга амал қилиб, Корея ҳукумати, давлат томонидан молиялаштирилган илмий-тадқиқот институтларининг ёрдамида ривожлантирилган технологияларни тижоратлаштиришга уриниб кўриш мақсадида 1974 йилдан 1984 йилгача бўлган даврда венчур капитали иштирокида илк тўртта фирмани ишга туширган. Биринчи венчур капитали иштирокидаги фирмалар турли даражадаги муваффақиятга эга бўлган бўлсаларда, 1990 йиллар бошига келиб венчур сармояли 60 та мустақил фирмалар фаолият кўрсатган. 1987 ва 1997 йиллар оралиғида Жанубий Кореянинг таваккалчи капиталистлари 1891 та фирмага тахминан 1 млрд. АҚШ доллар миқдорида маблағ киритишган бўлиб, уларнинг тўртдан уч қисми коммуникация воситалари ва электроника товарлари ишлаб чиқарарди. 1998 йил

бошида ҳукумат венчур сармояси томонидан қўллаб-қувватланган 2000 та фирмани қисман молиялаштириш учун 620 млн. АҚШ долларни инвестициялаши ҳақида эълон қилган эди. Бундан ташқари, таваккалчи инвесторлар учун яқинда кучга кирган солиқ имтиёзлари хориж инвестицияларнинг юқори чегарасини кўтарди ва биринчи марта пенсия жамғармаларига сармояни венчур фондларига киритишига имкон берди.



7-чизма. Венчурли инновацион лойиҳалаштиришнинг Жанубий Корея схемаси

Манба: “Проблемы современной экономики” журналининг http://m-economy.ru расмий сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

Жанубий Корея венчур инвестицияси саноатини яратишда эришган тараққиётга қарамасдан, кореянинг юқори технологияли компаниялари ўзларининг тайванлик ҳамкасбларига нисбатан камроқ даражада инновацияли фирмалар бўлиб қолишган, қисман ушбу ҳолат иқтисодиётнинг кўплаб соҳаларида ҳукмронлик қилган «chaboel» нинг репрессив иштироки туфайли яратилган эди. Венчур сармояли фирмаларнинг сони ортаётганига қарамасдан, уларнинг даромади пасаймоқда ва бу қисман хусусий компанияларни бошқаришда ташкилотчилик тажрибасининг етишмаслиги билан изоҳланади. Бундан ташқари, Жанубий Кореяга очиқ фонд бозори маданиятини ривожлантириш талаб қилинади. Ўртача олганда, венчур капитали томонидан қўллаб-қувватланган Жанубий Корея компанияларига, кичик компаниялар учун NASDAQ бозорининг кореяча эквиваленти бўлган Корея фонд бозори дилерларини автоматик квоталаш уюшмаси (KOSDAQ) листингига киритилиши учун тахминан 10 йил керак бўлади (KOSDAQ да котировкаланган (нархланган) компанияларнинг учдан бир қисми – венчур сармояли фирмалар). Шунингдек, кўпгина компаниялар KOSDAQ листингидан янада йирикроқ бўлган Корея Фонд биржасининг листингига ўтишда вужудга келувчи қўшимча кредит қобилиятига эга бўлишга интилишмоқда. Табиийки, KOSDAQ кичикроқ бозорда савдо қилаётган портфель компанияларда улушни

сотишда венчурли капиталистлар учун қийинчилик туғдирувчи ликвидликнинг танқислигини бошидан кечиришмоқда.

“Global Venture Investors Association” Президенти Кен Хагерти Сингапур ва Корея мисолида таққослаш ўтказган. “Сингапур SEDB (Singapore Economic Development Board) орқали саксонинчи йилларнинг ўрталаридан бошлаб Силикон водийсининг венчур фондларига маблағ киритган. Бунда ушбу фондлар Сингапурга пул киритмасдан, Силикон водийга инвестициялар киритишган. Аммо мазкур хорижий инвестициялар ёрдамида Сингапур раҳбарлари мустаҳкам алоқалар ўрнатишга ва ўн беш йилдан сўнг америкалик венчур капиталистларини Сингапурга олиб келишга муваффақ бўлишган”. Жаноб Хагертини обрўга эришиш учун зарур бўлган вақт ўйлантирмайди: “...венчур капитали узоқ муддат ва сабр-тоқатни талаб қилади”.

Яқинда Корея технология банки ва Корея ривожлантириш банки технологик “фондларнинг фонди”га асос солишди ва унинг маблағларини америкалик венчур фондларига киритишди, бироқ, адолат юзасидан айтиш жоизки, Сингапурга киритилган маблағлардан камроғини жалб қилишган. Шундан сўнг воқеалар сингапур моделида ривожлана бошланди.

Юқоридан келтирилган таҳлилларга таяниб умумий хулоса қиладиган бўлсак, хорижий мамлакатларда венчур-инновацион лойиҳалаш моделлари икки гуруҳга бўлинади:

1. Бевосита компанияларга киритилган давлат инвестициялари
2. Хусусий фондлар орқали киритилган давлат инвестициялари.

“Тўғридан-тўғри инвестициялар” дастури, асосан ривожланган мамлакатлар учун хосдир. Ривожланаётган мамлакатлар эса “фонд” механизмлари туфайли муваффақиятга эришишмоқда.

Бу бир қатор омиллар билан изоҳланади. Биринчидан, ривожланаётган давлатлар ўзининг шахсий венчур бизнесини яратиш учун технологик тажрибага муҳтож. Бундан ҳам кўпроғи, улар янги технологияларнинг ихтирочилари гуруҳига кириши учун руҳсат беришларига муҳтож. Жаҳон венчур бизнесида шахсий алоқалар кўпгина вазиятларда жуда катта роль ўйнайди. Яқинда юқоридаги ҳолат Стэнфорд бизнес мактабининг тадқиқотлари билан тасдиқланган эди. Ушбу тадқиқотга кўра “эски дўстлар тармоғи” ҳақиқатан Силикон водий фаолиятининг асосий элементларидан бири ҳисобланар экан.

Айнан мана шу ёпиқ клубга учинчи дунёнинг “чақирилмаган меҳмонлари” киришга ҳаракат қилишмоқда. Сингапур модели, SEDB инвестиция киритган фондларнинг венчур капиталистлари билан доимий ва юзма-юз мулоқотлари ёрдамида венчур компаниялар билан ишлашни ўрганганлиги билан бошқалардан устунликка эга. Айнан шунинг ҳисобига улар кейинчалик ўзларининг венчур фаолиятининг тизимини тўғри қуришга эришишган.

Иккинчи омил бўлиб давлат тизимининг етуклиги ҳисобланади. Давлатнинг жамият манфаатида самарали ишлаш қобилияти тўғри инвестициялар схемаси муваффақиятининг асосий элементи ҳисобланади ва бунда қарорлар чиқариш жавобгарлиги давлат институтлари ва амалдорларига юклатилган. Фонд схемасида масъулият хусусий секторга ишониб топширилади.

Тўғридан-тўғри инвестициялаш талон-тарожликларни хисобга олмаган тақдирда ҳам, шунчаки истаксиз ишлаш, боқимандалик муаммоси мавжуд. Ривожланаётган мамлакатлар бу борада анча тажриба орттиришди. Масалан, Корея

охир-оқибат технологик мақсадларда эмас, балки сиёсий мақсадларда тақсимланган ва бефойда тарзда ишлатилган бевосита технологик инвестициялар борасида тажрибага эга бўлди. Ҳудди шу ҳолат Японияда ҳам такрорланган бўлиб, у ерда юқоридаги каби сиёсатнинг юритилиши сиёсий тақсимлаш билан тугади ва барбод бўлди. Финляндияда эса коррупция муаммоси YOZMA ташкилотчиларини ўйлантириб ҳам ўтирмаган, чунки охирги рейтингларга мувофиқ Финляндия коррупция даражаси бўйича дунёда охирги ўринни эгаллайди.

Аммо яна бир омил – самарадорлик муаммоси ҳам мавжуд: моделлардан қайси бири яхшироқ? Исроиллик тадбиркор, Исроил венчур Ассоциациялари раҳбари Этан Хиллман далилларни келтирган ҳолда инновацион фирмаларига тўғридан-тўғри ва умуман олганда давлат инвестицияларининг киритилишига қарши гапириб, фондли ёндашув фойдасига қуйидагиларни таъкидлаган: “...давлат тўғридан-тўғри инвестицион қарорларни қабул қилиш қобилиятига эга эмас, чунки фойда олишни ўйламайди, балки “жамоат тинчлиги” ҳақида қайғуради ва олий манфаатлар учун пулларни шамолга совуриши мумкин; давлатнинг инвестицион лойиҳаларда иштирок этиши янги бошқарувга олиб келади ва хусусий инвесторларни чўчитиб юборади; инвестициялар – умуман давлатнинг иши эмас”. Шунингдек, тамомила қарама-қарши нуқтаи-назарлар ҳам мавжуд. [5]

Шунга қарамасдан, венчурли инновацион лойиҳалаш моделини танлаш комплексли ёндашувни ва ундан сўнг аниқ ҳаракатлар дастурини талаб қилади.

Хулоса ва таклифлар

Венчур молиялаштириш давлат иқтисодиётининг ривожланиши учун қулай омил ҳисобланади. Инновацион ғоялар ва стартапларни молиялаштиришнинг энг мос бўлган модели муваффақиятли амалга оширилган тақдирда, давлатнинг иқтисодий тизими ва унинг молиявий бозори ҳусусиятлари, умуман инновацион технологиялар соҳасининг ҳолатидан келиб чиқиб, ушбу молиялаштириш тури юқори фойда олишга, шунингдек замонавий технологиялар соҳасида кўплаб иш ўринларини яратишга ёрдам беради.

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларига берилаётган жуда кенг қамровли имтиёзлар, тадбиркорликни рўйхатдан ўтказилишининг соддалаштирилиши албатта улар сонининг кескин ошишига сабаб бўлмоқда. Аммо тадбиркорлик субъектларининг аксарияти фойда олиниши кафолатланган, таваккалчилиги паст, синалган анъанавий фаолият турларини танлашади. Инновацион технологияларга асосланган, ҳали бозорга чиқмаган, истеъмолчилар учун нотаниш бўлган товар ва хизматларни таклиф этишга хадиксирашади.

Иккинчи томондан янги инновацион лойиҳани бошлашга жазм қилган тадбиркор кўп ҳолларда молиявий таъминот борасида муаммога дуч келади, асосий манба ҳисобланган банк кредити ҳам кредит комиссияси томонидан лойиҳанинг келажагига ишончсизлиги ва юқори таваккалчилиги сабабли рад этилади. Охирги 4-5 йиллик тажрибамизга назар ташлайдиган бўлсак ёш тадбиркорлар томонидан таклиф этилган инновацион лойиҳалар 2-3 йил давомида ўзини оқламасдан инқирозга учрамоқда. Бунинг асосий сабаби сифатида лойиҳанинг етарлича асосланмаганлиги, маркетинг тадқиқотлари ўтказилмаганлиги ва ҳаётийлик даврининг батафсил таҳлил қилинмаганлигини келтиришимиз мумкин.

Мамлакатимизда инновацион соҳани ривожлантиришда қуйидаги муаммоларни ўрганиш мақсадга мувафиқдир:

- интеллектуал мулк ҳуқуқининг кучли ҳимояга олинмаганлиги;

- инвестицияни тадбиркорнинг келиб чиқишидан қатъи назар унинг яхши ғояларига ва ишбилармонлик маданиятининг сифатига йўналтирувчи халқаро ишбилармонлик мактаби ва тажрибаларининг мавжуд эмаслиги;

- янги ғоя, стартап, умуман, интеллектуал мулкни рўйхатдан ўтказиш ва патентлаштиришдаги тўсиқлар, кўп вақт талаб қилиниши;

- янги, синалмаган ғояларни амалга ошириш ва даромадга кириши анъанавий тадбиркорлик фаолиятидан кўра кўпроқ вақт талаб қилиши ва бу давр ичида молиялаштирилиши мумкин бўлган банк кредитлари фоизининг юқорилиги;

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда Давлат хизматлари агентликлари ҳузурида инновацион ғоялар ва “стартап”ларни қўллаб қувватлаш марказлари ташкил этишни мақсадга мувофиқ ҳисоблаймиз. Ушбу марказ томонидан давлат рўйхатидан ўтказишга ариза берилган янги ғоялар бўйича лойиҳанинг биринчи даврида “инновация хизматлари” кўрсатилади ва ғоя муаллифига таклифлар берилади. Унга кўра:

- янги ғоя бўйича муаллифлик ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш бўйича хизмат кўрсатиш;
- патентлаштириш билан боғлиқ тадқиқотлар;
- товар ёки хизмат бренди, товар белгиси, логотип ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар бериш;
- инновацион ғояни ривожлантириш, потенциал инвесторлар, ҳомийлар ва истеъмолчиларни ўрганиш;
- лойиҳани молиялаштириш имкониятлари ва муқобил вариантлари бўйича таклифлар бериш;
- зарур молиявий харажатларни баҳолаган ҳолда бизнес-лойиҳа ишлаб чиқиш;
- зарурат бўлса фаолиятни лицензиялаш бўйича кўмак бериш;
- ғоя ёки стартап эгаларини тадбиркорлик бўйича таълим ва малака ошириш дастурларини ташкил этиш, янги иш бошлаётган тадбиркорни бизнес кўникмаларини ошириш мақсадида ўқитиш;
- ғояни амалга ошириш учун янги корхона ташкил этиш, унинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини танлаш, ёки мавжуд компанияга қўшиш юзасидан тавсиялар бериш каби хизматларни бажаради.

Юқорида келтирилган хизматларни амалга ошириш даври “инкубацион давр” ёки “скрининг давр” дейилади. Бу давр 15 кундан 1 ойгача муддатни ўз ичига олади ва шу даврда ғоя эгаси барча тўловлардан озод қилинади, харажатлар венчур молиялаштириш схемаси асосида инвестор ёки венчур фонди ҳисобидан молиялаштирилади. Тўғри, 1 ой бироз кўп кўриниши мумкин. Аммо шу муддат ичида бозор шароити пухта таҳлил қилинади, янги лойиҳа илмий ва амалий асосланган тадқиқотлар ёрдамида ишлаб чиқилади, натижада унинг хаётийлик даври ҳам узоқроқ бўлади, тавккалчилик хавфи ҳам камаяди.

Шунингдек Савдо-саноат палатасининг ҳудудлардаги бошқармалари томонидан малакали мутахассислар ва тажрибали тадбиркорларни жалб этган ҳолда янги иш бошлаётган тадбиркорлар, бизнес ғоя ва стартап эгаларига “мастер класс”, тренинг, семинарлар ташкил этилиши, инновацион тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш мактабларини ташкил этилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3698-сонли қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги “Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5583-сонли фармони

4. Зайнутдинов Ш.Н. Инновацион салоҳиятни ошириш стратегияси. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнал №1 2011 й.

5. Гимуш Р.И., Матмурадов Ф.М. Инновацион менежмент Ўқув қўлланма. - Т.: 2008 й.

6. Аллен К. Р. Продвижение новых технологий на рынок М.: Бином. Лаборатория знаний, 2007.

7. Малкина М. Ю. Анализ особенностей взаимодействия государства и бизнеса в инновационном процессе. Экономический анализ: теория и практика. 2011. № 14.

8. Норт Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики. А. Н. Нестеренко, предисловие и научное ред. Б. З. Мильнера. М.: Начала, 1997.

9. Volkova T., Kuznetsova M. Modeling of criteria for the feasibility assessment of intellectual products' potential in the venture financing system. Montenegrin journal of economics. 2012. V. 8. № 1.

10. Новоселов М., Люлякин А., Попов Е. Зарубежные модели венчурного инновационного проектирования. Инновации. 2005. №5.

11. Аншин В.М. и др. Инновационний менеджмент. - М.: Дело, 2003.

12. Просветов Г.И. “Экономика предприятия: задачи и решения”. Учеб. практическое пособ. – М.: Альфа-Пресс, 2009.

13. Васильев Л.Н. Развитие инновационной деятельности в США или как удвоить ВВП. – М.: Экономика, 2005.

14. Кузык Б.Н., Яковец Ю.Б. Россия – 2050 Стратегия инновационного развития. –М.: Экономика, 2004.

15. Йўлдошев Н.Қ., Мирсаидова Ш.А., Голдман Е.Д. Инновацион менежмент. Дарслик. – Т.; 2011.

16. Thomas Perkins. Mine's Bigger: The Extraordinary Tale of the World's Greatest Sailboat and the Silicon Valley Tycoon Who Built It. – by Newsweek's David A. Kaplan, 2007

17. Michie J., Sheehan M. HRM practices, R&D expenditure and innovative investment: evidence from the UK's 1990 workplace industrial relations survey (WIRS). Oxford Academic. Industrial and Corporate Change (1999) 8 (2): 211-234. https://doi.org/10.1093/icc/8.2.211

18. Джерри М.Розенберг «Инвестиции. Терминологический словарь» Издательство: Инфра-М Серия: Библиотека словарей "Инфра-М" 1997